

БОЛАЛАРДА ДИАРЕЯ ИММУНОЛОГИЯСИ

Алфраганус университети

Ички касалликлар кафедраси ассистенти

Худайбердиева Чарос Курдашевна

Аннотация: Ушбу тезисда болаларда диарея ривожланишида иммунологик механизмлар таҳлил қилинган. Ичак шиллиқ қаватининг маҳаллий иммунитет, секретор IgA, ҳужайравий иммун жавоб ва цитокинлар ролининг аҳамияти ёритилган. Болаларда иммун тизимнинг етарлича шаклланмаганлиги инфекцион агентларга юқори сезувчанликни белгилайди. Ротавирус ва бактериялар чақирган диареяда яллиғланиш медиаторлари, интерлейкинлар ва интерферонлар фаоллиги ошиши кузатилади. Она сути билан озиқлантириш маҳаллий иммунитетни мустаҳкамлаб, касаллик оғирлигини камайтиради. Иммунопрофилактика ва вакцинация касалланишни камайтиришида муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: диарея, болалар, иммунитет, секретор IgA, цитокинлар, ротавирус, вакцинация.

Кириш

Болаларда диарея дунё миқёсида кенг тарқалган касаллик бўлиб, 5 ёшгача бўлган болаларда юқори касалланиш кўрсаткичи билан характерланади. Организмнинг иммун тизими, айниқса, ичак билан боғлиқ лимфоид тўқима (GALT) инфекцион агентларга қарши биринчи ҳимоя чизиғини ташкил қилади.

Асосий қисм

1. Маҳаллий иммунитет хусусиятлари

Болаларда ичак шиллиқ қаватида секретор иммуноглобулин А (sIgA) асосий ҳимоя омил ҳисобланади. У патогенларнинг эпителийга бирикишини чеклайди. Ёш болаларда sIgA миқдори кам бўлиши инфекция хавфини

оширади.

2. Хужайравий иммун жавоб

Т-лимфоцитлар, макрофаглар ва нейтрофиллар инфекцияга қарши фаол иштирок этади. Диарея чақирувчи вируслар интерферон ишлаб чиқарилишини рағбатлантиради. IL-1, IL-6, TNF- α каби цитокинлар яллиғланиш жараёнини кучайтиради.

3. Гуморал иммунитет

Антитаначалар (IgA, IgM, IgG) инфекцияга қарши специфик ҳимояни таъминлайди. Ротавирус инфекциясидан сўнг постинфекцион иммунитет шаклланади, аммо у тўлиқ ва узоқ муддатли эмас.

4. Она сути ва иммун ҳимоя

Она сутида иммуноглобулинлар, лактоферрин, лизоцим ва олигосахаридлар мавжуд бўлиб, улар ичак микробиотасини нормаллаштиради ва инфекциядан ҳимоя қилади.

5. Имунопрофилактика

Ротавирусга қарши вакцина маҳаллий ва систем иммун жавобни шакллантиради. Вакцинация касалланиш частотасини ва оғир шаклларини камайтиради.

Хулоса

Болаларда диарея патогенезида иммунологик механизмлар муҳим ўрин тутди. Маҳаллий ва систем иммун жавоб етарлича ривожланмаганлиги инфекцияларга сезувчанликни оширади. Она сути билан озиқлантириш ва вакцинация самарали имунопрофилактика усуллари ҳисобланади.